



Савол:

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Илтимос менинг қўйидаги саволларимга жавоб берсанглар.

Савол-1. Намозда қироатда тартибга риоя этилиши шартми? Мисол учун биринчи рақъатда «Кавсар» сурасини ўқиб, кейинги рақъатда «Аср» сурасини ўқиш каби.

Савол-2. Мен мисол учун совуқ сувга ғусл қилсам касалим кучайиши мумкин. Шунинг учун, ғусл вожиб бўлиб иссиқ сув бўлмаган пайтларда ва бомдод намоз вақти чиқиб кетмаслик учун таяммум қилган ҳолда намоз ўқисам бўладими?

Савол-3. Ушбу сайтда «Сочни қирдириш» мақоласида сочни мойлаш ҳақида ўқиб қолдим. Бунга ҳозирги замондаги «Гел» деб аталган нарсалар ҳам кирадими? Бунинг ҳукми қандай?

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Ҳурматли биродар, саволларингизнинг жавоблари қуйидагича:

Жавоб-1.

Уламолар бир ёки икки рақъатда сураларнинг тартибига риоя қилмасликни макруҳ деганлар. Сиз зикр қилган мисолингиздаги тартиб макруҳ, гарчи шу икки сурани бир рақъатда ёки сиз айтмоқчи икки рақъатда ўқилса ҳам. Чунки, тартиб тескари бўлади. Қуръоннинг аввали "Фотиҳа" охири "Аннос" сураси. Лекин баъзи уламолар суралар



тартибига риоя қилиш шарт эмас дейдилар. Алоҳида намозларда тартибга риоя қилиш шарт эмас. Масалан пешин намозининг суннати, фарзи кейин яна суннати бор, булар бир вақтда ўқилгани билан нийяти, такбиратул-эхроми ва саломи бошқа-бошқа бўлгани учун уларнинг ҳар бири учун алоҳида тартибга риоя қилинади.

Жавоб-2.

Ғусл ҳақида: агар ҳол сиз айтганингиздек бўлиб, ҳақиқатда совуқ сувда ювиниш касаллигингизни кучайтирса: масалан танангизда бирон жароҳат бор унга совуқ сув тегса ёмон бўлиб кетади ва ҳоказо. Бу ҳолатда агар сув иситишни иложи бўлмаса таяммум билан намоз ўқисангиз бўлади. Аммо ўзингиз соппа-соғсизу бироқ совуқ сувда ғусл қилсангиз касал бўлиб қолишингиз мумкин деб гумон қиласиз. Бу узр бўла олмайди, эҳтимол билан рухсат берилган амалга ўтилмайди. Аммо сиз турган пайтда вақт бемалол бўлсаю сув иситиб ғусл қилгунингизгача бамдод намозининг вақти чиқиб кетадиган бўлса, (яъни, сув иситиш учун ўчоққа ўтин қалаб қозонда сув иситсангиз) таяммум қилиб намозни ўқиб оласиз. Сиз уйғонган пайтда намознинг оз вақти қолган бўлса, ғусл қилиб кун чиққандан кейин бамдоднинг қазосини ўқиб оласиз. Чунки сиз уйқудан турсангиз бамдод вақти чиқишига яқин қолган бўлса таҳорат қилишга вақтим йўқ бетаҳорат ўқиб олавераман ёки таяммум қилиб ўқийвераман десангиз биз сизга йўқ, сиз таҳорат қилиб кейин намоз ўқисиз деймиз. Чунки таҳорат шарт ва таҳоратдан таяммумга ўтишга омил йўқ. Ғусл ҳам шу каби.

Жавоб-3.

Гел ҳам ёғ ва бошқалар кабидир, унинг устига масҳ тортса бўлаверади.



Агар сиз гелни мазкур мақолада танқид қилинган ўринларда ишлатиш ҳақида сўраётган бўлсангиз албатта у мумкин эмас. Аслида эса гелни сочи тартиблаш ёки чиройли қилиб тараб олгандан кейин шундай қотиб турсин деб суртса бўлаверади.